

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И № 1

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Боғи бўстон кўчаси, 139-уй

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2024 йил 16 январь, соат 14-00.

Йиғилиш тури: Навбатдан ташқари умумий йиғилиш.

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамиятнинг йирик акциядори - Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 18 декабрдаги 02/09-3-17/950 - сонли хатига асосан чақирилган.

Жамият томонидан муомалага чиқарилган жами акциялар сони 1 355 689 дона, шундан овоз берувчи оддий акциялар 1 255 689 дона ва имтиёзли акциялар 100 000 дона (овоз бериш ҳуқуқи пайдо бўлган), жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акциялари сони 940 689 дона. Йиғилиш кворуми 69,39 фоиз.

Раислик қилди: Йиғилишни Жамиятнинг йирик акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 10.01.2024 йилдаги 02/09-3-17/3-сонли ишончномасига асосан Агентлик Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Абдурахмонов Камронхўжа Камолхўжа ўғли олиб борди.

Қатнашдилар:

- Жамият акциядорлари ва акциядорларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);
- Жамият бошқарув раиси - О.У. Газиев.

- Йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;
- Йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - очик овоз бериш йўли билан

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов умумий йиғилишни конун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш кераклигини таъкидлаб ўтди ва қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди:

- Йиғилиш Президиуми:
 1. К.К. Абдурахмонов - жамият акциядори
 2. А.У. Газиев - Жамият бошқарув раиси
 3. Д.М. Шарафудинова - Жамият ходими
- Йиғилиш раиси - К.К. Абдурахмонов
- Йиғилиш котиби – Д.М. Шарафудинова

Очик овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- **Йиғилиш Президиуми** - К.К. Абдурахмонов , А.У. Газиев, Д.М. Шарафудинова;

- **Йиғилиш раиси** - К.К. Абдурахмонов ;

- **Йиғилиш котиби** – Д.М. Шарафудинова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва Президиумдан ўз жойларини эгаллашларини сўради.

Йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов акциядорлар умумий йиғилишида овозларни санаб чиқиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун камида уч кишидан иборат санок комиссиясини сайлаш лозимлигини билдирган ҳолда санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди: Д.М. Шарафудинова, Л.В. Абдурахманова, К.З. Мирсағатов.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов сўзни санок комиссияси аъзоси Д.М. Шарафудиновага берди.

Санок комиссияси раиси Д.М. Шарафудиновага сўзга чиқиб, йиғилишда жами 940 689 дона овозга эга бўлган 5 та акциядор рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 69,39 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига асосан мажлисни ўтказиш учун кворум мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов сўзга чиқиб, Йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Санок комиссияси аъзолари ва шахсий таркибини аниқлаш.

2. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.

3. “Portlatishsanoat” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов сўзга чиқиб, Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзоларига қуйидаги номзодларни сайлашни таклиф этди:

1. Д.М. Шарафудинова

2. Л.В. Абдурахманова

3. К.З. Мирсағатов

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 940 689 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бегараф – 0.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси К.К. Абдурахмонов сўзга чиқиб, акциядорлар умумий йиғилиши регламенти билан таништирди.

- Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш учун – 10 дақиқа;

- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун – 5 дақиқа.
- Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар учун – 5 дақиқа.
- Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 940 689 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг йирик акциядори бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 02.08.2023 йилдаги 03/09-3-17/3889-сонли хатига асосан қуйидаги номзодларни кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш таклиф этилганлигини маълум қилди.

Т/р	Номзод Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
1.	Rustamov Davron Dostonovich	Энергетика вазирлиги бош мутахассиси
2.	Ro'ziyev Shuhrat Negpulatovich	Давактив агентлиги бош мутахассиси
3.	Sanjarov Zuxriddin Dilshod O'g'li	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси

Шунингдек, Жамиятнинг акциядори (11000 дона оддий, 3500 дона имтиёзли акциялар эгаси) BERDIEVA FEDOSIYA MAKSIMOVNA қуйидаги номзодларни кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш таклиф этилганлигини маълум қилди.

Т/р	Номзод Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими	номзодга тегишли акцияларнинг сони ва тури
1.	Салыходжаев ШакирТураевич	“Ташметроқурилиш” бош директори	0
2.	Mamadaliyev Murodjon Mamarasulovich	“FIRALI” МЧЖ маслаҳатчиси	9500 дона оддий, 3500 дона имтиёзли акциялар

Шундан сўнг, Жамият Йиғилиш раиси Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун қуйидаги номзодларга овоз беришни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:

Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари қуйидагича тасдиқлансин:

1. Д.М. Шарафудинова
2. Л.В. Абдурахманова
3. К.З. Мирсагатов

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:

Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш учун – 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун – 5 дақиқа.
- Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар учун – 5 дақиқа.
- Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

3. Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича:

Акциядорлар умумий йиғилишида кўпчилиكنинг овози билан маъқулланган қуйидаги номзодлар кузатув кенгашига аъзоси этиб тасдиқлансин.

№	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими	Овоз бериш натижалари
1.	Rustamov Davron Dostonovich	Энергетика вазирлиги бош мутахассиси	“Ёклайман”- 1 491 983, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
2.	Ro‘ziyev Shuhrat Negpulatovich	Давактив агентлиги бош мутахассиси	“Ёклайман”- 1 491 981, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
3.	Sanjarov Zuxriddin Dilshod O‘g‘li	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси	“Ёклайман”- 1 491 981, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
4.	Салыходжаев ШакирТураевич	“Гашметрокурулиш” бош директори	“Ёклайман”-113 750, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
5.	Mamadaliyev Murodjon Mamarasulovich	“FIRALI” МЧЖ маслаҳатчиси	“Ёклайман”- 113 750, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни “ёпик” деб эълон қилди.

Баённома 2024 йил “29” сентябрь да тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

К.К. Абдурахмонов

Йиғилиш котиби

Д.М. Шарафудинова